



**International scientific and scientific-technical conference
on theme "Innovation in construction, structural and seismic
safety of buildings and structures"**

**Международная научная и научно-техническая
конференция на тему «Инновации в строительстве,
конструкционная и сейсмическая безопасность зданий и
сооружений»**

**«Қурилишда инновациялар, бинолар ва иншоотларнинг
конструкциявий ва сеймик хавфсизлиги»**

**Халқаро миқёсидаги илмий ва илмий-техник
конференция**

МАТЕРИАЛЛАРИ ТЎПЛАМИ

Наманган 11-13 ноябрь, 2021 йил

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ

**ҚУРИЛИШДА ИННОВАЦИЯЛАР, БИНОЛАР ВА
ИНШОТЛАРНИНГ КОНСТРУКЦИЯВИЙ ВА
СЕЙСМИК ХАВФСИЗЛИГИ**

*Халқаро миқёсидаги илмий ва илмий-техник конференция
материаллари тўплами*

Наманган шаҳри, 11-13 ноябрь, 2021 йил

| | |
|--|-----|
| <i>д.т.н., проф.Раззаков С.Ж.¹, доктор PhD Рахманов Б.К.², магистрант Рахманов Б.Б.² (¹Наманганский инженерно-строительный институт, ²Ферганский политехнический институт)</i> | |
| СИНТЕТИКА ПРОТИВ СТАЛИ | 536 |
| <i>д.т.н., проф.Раззаков С.Ж.¹, доктор PhD Рахманов Б.К.², магистрант Рахманова О.А.² (¹Наманганский инженерно-строительный институт, ²Ферганский политехнический институт)</i> | |
| ТЕХНОЛОГИЯ ТАКЕЛАЖНЫХ РАБОТ С ИСПОЛЬЗОВАНИЕМ СИНТЕТИЧЕСКИХ СТРОПОВ | 540 |
| <i>д.т.н., проф.Раззаков С.Ж.¹, доктор PhD Рахманов Б.К.², м.н.с. Алаханов З.М.², (¹Наманганский инженерно-строительный институт, ²Ферганский политехнический институт)</i> | |
| ТРАНСПОРТЛАР ҲАРАКАТИДАН ҲОСИЛ БЎЛГАН ВИБРАЦИЯЛАРНИ ЭКРАНЛАР ОРҚАЛИ КАМАЙТИРИШ | 543 |
| <i>Т.ф.д., проф. Ш.С.Юлдашев, ўқитувучи. М.Б.Бойтемиров, маг.Б.Ж.Ваҳобов, маг. С.Р.Холдаров (Наманган муҳандислик-қурилиш институти)</i> | |
| “DEVOR QATLAMLARIDA HARORATNING O’ZGARISHINI ANIQLASH” DASTURI VA UNING QO’LLANILISHI | 546 |
| <i>prof.A.Xamidov¹, doktor.O.A. Otajonov¹, doktor. SH.Quziboev² (¹Namangan muhandislik-qurilish instituti, ²Farg’ona politexnika instituti)</i> | |
| ПОЛИПРОПИЛЕН ТОЛАЛАР ВА УЛАРНИ ДИСПЕРС АРМАТУРАЛАШДА ҚЎЛЛАШ | 550 |
| <i>проф.,т.ф.д. Раззақов С.Ж., докторант Мартазаев А.Ш., магистр Жўраева А.С. (Наманган муҳандислик-қурилиш институти)</i> | |
| ЕР ОСТИ ҚУВУРЛАРИДАГИ МУРАККАБ СЕЙСМОДИНАМИК ЖАРАЁНЛАРНИ ҲИСОБЛАШНИНГ АВТОМАТЛАШТИРИЛГАН ДАСТУР ТАЪМИНОТИ УЧУН КИРИШ ТИЛИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ | 552 |
| <i>проф. И Мирзаев., таянч докторант Э. Қосимов (ЎзР ФА М.Т. Ўрозбоев номидаги Механика ва иншоотлар сейсмик мустаҳкамлиги институти)</i> | |
| БАЗАЛТ ТОЛАЛАР ВА ДИСПЕРС АРМАТУРАЛАШ | 554 |
| <i>проф.,т.ф.д. Раззақов С.Ж., докторант Мартазаев А.Ш., тадқ. Ахмедов А.Р. (Наманган муҳандислик-қурилиш институти)</i> | |
| КОЛОСНИКОВАЯ РЕШЕТКА ОЧИСТИТЕЛЯ ВОЛОКНИСТОГО МАТЕРИАЛА ... | 557 |
| <i>доц. Ж.Холмирзаев (Наманганский инженерно-строительный институт)</i> | |
| ЭНЕРГОСБЕРЕГАЮЩИЕ МЕТОДЫ УСКОРЕНИЯ ТВЕРДЕНИЯ БЕТОНА | 560 |
| <i>Рахимов А.М, Мамадов Б.А, студент Абдурашидов М.Д. (Наманганский инженерно-строительный институт)</i> | |
| КАСБ-ҲУНАРГА ЎҚИТИШ ОБЪЕКТЛАРИНИ ЛОЙИҲАЛАШНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ | 562 |
| <i>И.М.Қосимов (Тошкент архитектура қурилиш институти)</i> | |

КАСБ-ҲУНАРГА ЎҚИТИШ ОБЪЕКТЛАРИНИ ЛОЙИҲАЛАШНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ

И.М.Қосимов (Тошкент архитектура қурилиш институти)

Аннотация. Мақолада касбга йўналтириш илмий марказларни лойиҳалашни ривожлантириш масалалари, шу жумладан, уларнинг комплекс режаслаштириш ечимлари кўриб чиқилган.

Калим сўзлар: архитектура, инновация, марказ, ижодкор шахс, касб, ҳунар, истиқбол.

Мустақил Ўзбекистон Давлат сиёсати даражасига кўтарилган таълим соҳасида амалга оширилаётган ислоҳатлар жараёнида асосий бўғин ҳисобланган умумий ўрта таълим мактаблари фаолиятининг муҳим вазифаларидан бири ўқувчиларни ҳаётга тайёрлаш ва касб танлашга йўналтиришдан иборатдир. Касбга йўналтириш (касбга тайёрлаш) – шахснинг бўлғуси касбий фаолият субъекти сифатида ўзига нисбатан шаклланиш жараёнини ўтайди, яъни келажакда бозор иқтисодиёти муносабатларига мослашиб боради.

Касбга йўналтиришга ёшларнинг касбни эркин ва Мустақил танлашнинг илмий-амалий тизими сифатида қараш лозим. У ҳар бир шахснинг ҳам индивидуал хусусиятларини, ҳам халқ хўжалиги манфаатлари нуқтаи назаридан меҳнат ресурсларини тўлақонли таъминлаш, бозор иқтисодиёти муносабатлари заруратини ҳисобга олиш керак.

Ёшларнинг ижодий касбга йўналтириш, интеллектуал ва тадбиркорлик салоҳиятини рўёбга чиқариш, инновацион ғоялар, лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга жорий қилиш, иқтидорли талабалар, ёш олимлар ва тадбиркорларнинг инновацион фаолиятини рағбатлантириш, илм-фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини кучайтириш учун зарур шарт-шароитлар яратилмоқда.

Ёш авлодимизга – менинг ўғил-қизларимга қарата айтмоқчиман: томирларида буюк боболаримизнинг ғайрат-шижоати жўш уриб турган азиз фарзандларим, сизлар Янги Ўзбекистонни барпо этишда доимо олдинги сафда бўласизлар, деб ишонаман [1]. Давлат раҳбарини бу сўзлари ёшларга берилаётган имкониятни исботидир.

Шу билан бирга, ёш иқтидор соҳибларини инновацион тадбиркорлик соҳасига тизимли жалб қилиш бўйича олиб борилаётган ишлар самарадорлигини ошириш, иқтидорли ёшларни ишбилармонлар ва етакчи олимлар билан ҳамкорликда иш юритиши учун ягона тизим яратиш ва шу асосда илм-фан соҳасида ёш кадрлар етиштириш тизимининг узвийлигини таъминлаш, ишлаб чиқариш соҳасига юқори технологияларни тадбиқ этиш ва илмий тадқиқотларга ёшларни жалб этиш ҳамда илмий-техник ва инновацион лойиҳаларни амалга ошириш учун платформалар яратиш талаб этилмоқда.

Иқтидорли ёшларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган ишларни янада жонлантириш, мамлакат илм-фанининг халқаро миқёсидаги рақобатбардошлилигини таъминлаш, мавжуд касбга

йўналтириш илмий мактаблар салоҳиятини янада мустаҳкамлаш ҳамда уларнинг инновацион салоҳиятини ривожлантириш зарур [2].

Шундай экан Республикамизда касбга йўналтириш илмий мактабларини қуриш мустақиллик йилларини илк кунларидан лойиҳа таклифлари ишлаб чиқилди.

Замонавий биноларни лойиҳалаш ва қурилишдаги ўрни аҳамиятли бўлмаган ижодиёт марказлари биноларининг хажмий-фазовий ечимлари жуда содда бўлган. Режада тўртбурчак шаклда эканлиги ва баландликдаги фарқларнинг йўқлиги, авваламбор, самарадорлик ва конструктив мақсадга мувофиқлиги билан аниқланди, бу қурилиш элементларининг стандарт ўлчамлари сонини камайтиришга ва уларнинг такрорланувчанлигини оширишга имкон берди. Шу билан бирга, инновацион таклифларни ишлаб чиқариш, сақлаш, муҳандислик-техник ва мамурий биноларни қуришга имкон қадар чекловлар қўйилган.

Ёшларга оид сиёсат Ўзбекистон Республикаси давлат фаолиятининг устувор йўналиши бўлиб, унинг мақсади ёшларнинг ижтимоий шаклланиши ва камол топиши, ижодий иқтидори жамият манфаатлари йўлида имкони борича тўла-тўқис рўёбга чиқиши учун ижтимоий иқтисодий, ҳуқуқий, ташкилий жиҳатдан шарт-шароит яратиш ҳамда уларни кафолатлашдан иборат деб белгилаб қўйилган.

Мавжуд биноларда илмий билимларни такомиллаштириш учун янги технологияларнинг жорий этилиши катта қийинчиликларни келтириб чиқарди, шу билан бирга, жорий этилган юқори самарали илмий салоҳиятлилардан фойдаланиш коэффициентини ошириш бўйича кўрилган чора-тадбирлар марказларни ёшга оид саралаб олишни тақозо этади. Лекин бир нарсага эътибор бериш керак эди касбга йўналтириш мактаблари учун ажратилган бинолар касбга йўналтириш мактаблари учун лойиҳаланмаган ва бу бинолар мослаштирилган эди. Шу сабабли касбга йўналтириш мактаблари учун ишлаб чиқилган талабларга тўлақонли жавоб бермаслиги ёшларни илмий ишлари ва инновацион таклифларини ҳаётга тадбиқ этишни иложи бўлмаган.

Ҳозирги кунда фаолият олиб бораётган Ёшлар маркази фаолияти ўрганилганда марказда барча машғулотлар интерфаол усулларда олиб борилиши, маҳаллий ва хорижий мутахассислар иштирокида онлайн илмий мулоқотлар, маҳорат дарслари, семинар-тренинглари ўтказилиши маъданий-маърифий тадбирлар ўтказилиши режалаштирилганини аниқланди.

Марказда рус ва инглиз тиллари, ментал арифметика, рассомчилик, шахмат-шашка, касб-ҳунарга йўналтириш, психологик маслаҳат бериш каби қатор хоналар ёшлар ихтиёрига топширилган. Энг қизиғи, машғулотларнинг барчаси бепул. Лекин бундай имкониятлардан ёшларни фойдаланиши аксарият марказларда суст, сабаби мактаблар, ДМИ лар, коллежлар ва бошқа турли ёшларга мўлжалланган ўқув масканлари белгиланган тартибда ҳафталик ўқув юклама асосида фаолиятини олиб боради. Шундай экан ёшлар мажбурий таълимни олгандан сўнг бўш вақтлари қолмаслиги аниқ, бепул ёшлар

марказларига бориб касб-хунар олиш иштиёки бўлмаслиги яққол исботини топмоқда [3].

Ёшлар марказларини камчиликлари қуйидагилардир: юқори малакали кадрлар жалб қилинмагани, мунтазам таълим билан бирлашмагани, лаборатория жиҳозлари билан таминланмагани, бинони касб-хунарга мўлжалланмагани, илмий текшириш институтларни шу марказда жойлашмаганидир. Илмий ижодий марказларга экологик жиҳатдан юқори салоҳият билан қаралиши керак.

Инсон психологиясида илм олиши учун атроф-муҳит асосий вазифани бажаради. Шундай экан касб-хунарга йўналтирилган ижодиёт марказ биноларини лойиҳалашда кенг тармоқли переспективадан фойдаланиш вазифаларини олдимизга мақсад қилиб қўйиш муҳум вазифалардандир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

[1]. Ш.М.Мирзиёев. Лавозимга киришиш тантанали маросимига бағишланган олий мажлис палаталари қўшма мажлисидаги нутқидан келиб чиқиб инфографика шаклидаги рисола. Тошкент-2021

[2]. А.О.Хасанов., И.М.Қосимов. Ёшларнинг инновацион ижодий-ишлаб чиқариш марказларини лойиҳалашда замонавий меъморий услубий тенденциялар: чет эл тажрибаси. Хоразм маъмун академияси ахборотномаси. Илмий журнал № 4. ОАК. 10.04.2021 йил. ISSN 2091-573

[3]. И.М.Қосимов. Инновацион марказларни шакллантиришнинг шаҳарсозлик масалалари // Илмий-техника журнал. ФарПИ, 2019, Т. 23, спец. №2 154-157 б ОАК

ОТМ ТАЛАБАЛАРИ ДАВОМАТИ, УЛАРНИНГ ФАНЛАРДАН ЎЗЛАШТИРИШЛАРИГА ЭРИШИЛИШИДА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ

Доц.С.Хашимов, тьютор Леваков И., магистрантлар: И.Махаммаджанов, С.Эргашева (НамМҚИ)

Аннотация. ушбу мақолада таълим сифатини тубдан яхшилаш ўта муҳимлиги ҳақида айтиб, унинг ҳал этиш учун “Деканат-талаба-ота-она” тизимини ташкил этиш билан бирга, бу тизимда хабар ва бошқа зарурий кўрсатмаларни автоматлаштириш орқали қўйилган талабларни бажарилишини оптималлаштирилиши мумкинлиги келтирилади.

Калит сўзлар: таълим сифати, кредит-модуль тизими, тьюторлик фаолияти, “Деканат-талаба-ота-она” тизими, ОТМ инфраструктураси.

Давлатимиз раҳбари Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида(2021 йил) таълим сифатини тубдан яхшилаш ўта муҳимлиги ҳақида айтиб, 2021 йилда “Янги Ўзбекистон — мактаб остонасидан, таълим-тарбия тизимидан бошланади” деган ғояни амалга ошириш зарурлиги ҳақида таъкидлаган эдилар. Кейинги пайтларда давлатимиз томонидан таълим тизимида тамомила ўзгача шаклда ислохотларни олиб борилиши ва бу тизимни қўллаб – қувватланиши, айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030-йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида" ва бу борадаги қатор